

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 769-ҳадис

769/1540 – عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَهْلُكُ مُلْبِسًا.

769.1540. Солим отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг соchlарини елимлаб олиб талбия айтаётганларини эшитганман».

* Бу ерда тўзиб кетмаслиги, орасига ҳашаротлар тушмаслиги учун асал, дарахт елими ва шу каби ёпишқоқ моддалар билан сочни мойлаб, ёпишириб олиш назарда тутилмоқда. 1267-ҳадисга қаранг.

Изоҳ: Ҳанафий мазҳабига кўра, эхром боғлагандан кейин хушбўйлик ишлатиш, ҳашарот тушмаслиги учун сочга ёпишқоқ моддаларни сурин, мой сурин каби ишлар жиноят ҳисобланади. Агар булардан бирортаси содир қилинса, каффорати учун қон чиқариш (жонлиқ сўйиш) вожиб бўлади («Хидоя»).

Манба: hadis.islom.uz

